Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 26-fevral, payshanba, № 27 (3532)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# 2015 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

*Неча минг йиллар давомида азалий қадриятларимизни ўзида мужассам этиб, аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган Наврўзнинг истиқлол йилларида ҳаётимиздаги ўрни ва моҳияти тобора ошиб бормоқда. Халқимиз учун табиат уйғониши, шарқона янги йилнинг бошланиши, асл миллий, энг ардоқли байрам бўлмиш Наврўз айёмини юртимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларида ҳар томонлама чуқур тайёргарлик билан кутиб олиш ва нишонлаш эзгу, бир сўз билан айтганда, табиий анъанага айланиб қолди.*

*Ушбу миллий байрамнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири, инсоннинг табиат билан ҳамоҳанг бўлиб яшаши, жамиятимизда меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик, кексаларга эъзоз ва эҳтиром, кичикларга иззат кўрсатиш, одамийлик, яхши қўшничилик, хайр-саховат, бағрикенглик ва бунёдкорлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш борасида Наврўзнинг моҳияти ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини инобатга олиб ҳамда бу қутлуғ айёмни юксак савияда нишонлаш мақсадида:*

1. 2015 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Наврўз байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Тадбирлар режасини тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

айни Наврўз фаслида инсон ўзини табиатнинг ажралмас, узвий бир қисми сифатида ҳис этишини ифода қиладиган, атроф-муҳитни, она заминни эъзозлаб, унинг неъматларини, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

жойларда бўлиб ўтадиган тадбирларда, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш;

мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимиз учун севимли байрамга айланган Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган аҳиллик ва тотувлик, меҳру саховат, ёши улуғ инсонларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож инсонларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш;

янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши, яшариш ва янгиланиш, қут-барака, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз фаслида маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларимизда ҳашарлар, кенг кўламдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган байрам дастурларига фолклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, бахши-шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини танлов асосида жалб этиш;

байрам дастурларини тайёрлашда фолклор санъатининг энг яхши намуналари, халқ ўйинларига, эл-юртимизнинг дилидан чуқур жой олган тарихий урф-одатларга, гўзал инсоний туйғуларни тараннум этадиган мумтоз куй ва қўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш.

3. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда хайрия маблағлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 25 феврал

## ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА










*Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да "Қурилиш — UzBuild — 2015", "Мебел, ишлаб чиқариш технологиялари, интерер ва дизайн — MebelExpo Uzbekistan — 2015" ва "Иситиш, вентиляция, совутиш тизимлари, сув таъминоти, сантехника ва бассейнлар — "Aqua-Therm Tashkent — 2015" халқаро кўргазмалари давом этмоқда.*

Тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, "ITE Uzbekistan" халқаро кўргазма компанияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мамлакатимиз хамда куплаб хорижий давлатлар компания ва фирмалари иштирокидаги кўргазмалар мамлакатимиз тадбиркорлари, ишлаб чиқарувчилари ва хорижий иштирокчилар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, чет эл инвестициялари ва иқтисодиётимизни равнақ топтириш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун замонавий технологияларни жалб этиш борасида қулай имконият яратмоқда.

**ЎзА фотомухбири Аъло АБДУЛЛАЕВ олган суратлар**

▽Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

## ҚЎШИҚЛАРДА ОНА ЮРТ МАДҲИ

***Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш, маънавияти ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.




Ушбу ҳужжат ижроси доирасида амалга оширилаётган, турли соҳаларнинг навқирон авлод вакиллари қамраб олинган ижтимоий лойиҳалар, кўрик-танловлар, аниқ мақсадга қаратилган дастурлар ёшлар камолотида муҳим аҳамият касб этаётир.

Бухорода "Нима қилдик Ватан учун?" шиори остида ўтказилган ижодий фестивалда шулар хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, вилоят ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда таниқли ёзувчи ва шоирлар, маданият ва санъат намояндалари иштирок этди.

Фестивалда таъкидланганидек, вилоят ёшлари вакиллари чорланган ушбу тадбир уларда Ватанга меҳр-муҳаббат туйғусини кучайтириш, жамиятда кечаётган жараёнларга дахлдорлик ҳиссини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тадбирнинг "Нима қилдик Ватан учун?" деб номланиши замирида катта маъно бор, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Алишер Турдиев. — Бу шиор бунёдкорлик, ҳамжиҳатлик ва жипсликка даъватни ифодалайди. У ёшларни юртимиз қудрати ва фаровонлигини ошириш борасида зиммаларидаги масъулиятни ҳис қилишга ундайди. Эътироф этиш жоиз, тадбирда дилдаги эзгулик ҳавасини эртага аниқ мақсадга айлантиришга қодир ёшларни кўрдик.

Тадбир таниқли санъаткорларнинг концерт дастури билан якунланди.

**Э.ЁДГОРОВ, ЎзА мухбири.**
**ЎзА фотомухбири Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат**

▽Сайлов — 2015

***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан аҳолининг миллий сайлов қонунчилигига оид ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ҳудудий семинарлар ташкил қилинмоқда.***

## САЙЛОВ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Шундай семинарлардан бири 2015 йилги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида бўлиб ўтди. Унда 14-Тошкент округ сайлов комиссияси аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сайловлар халқ хоҳиш-иродасини ифода этадиган, мамлакат тараққиётига фаол таъсир этадиган восита экани таъкидланди. Зеро, демократик принциплар асосида ташкил қилинган ва ўтказилган сайловлар фуқароларнинг давлат органларини тузишда иштирокини таъминлайди. Сайловлар натижасида жамият аъзоларининг орзу-интилишлари, олиб борилаётган сиёсатга муносабати аниқланади, фикрлар хилма-хиллиги намоён бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай сайлов жараёни Конституция ва қонунларнинг умумий ҳамда сайлов жараёнларига бевосита тааллуқли бўлган принцип ва нормаларига таянади. Мамлакатимизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини кафолатлаш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирокини таъминлаш, сайлов қонунчилигини халқаро андозалар асосида босқичма-босқич такомиллаштириш ҳамда сайловларни умумэътироф этилган принциплар асосида ўтказишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, фуқаролар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ва яширин овоз бериш принциплари асосида сайловда иштирок этади. Мазкур принципларни татбиқ этишнинг ҳуқуқий механизмлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида эътироф этилган.

Маълумки, сайлов жараёнида қонунийликни таъминлаш муҳим омиллардан саналади. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросига унинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳимоя этилиши, сайлов комиссиялари, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятлари кафолатланади.

Семинарда халқаро сайлов стандартлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови қонунчилиги, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайлов комиссияларининг вазифалари, сайлов жараёнида қонунийликни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларининг сайлов жараёнидаги ўрни, сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли, овоз бериш, жумладан, муддатидан олдин овоз бериш жараёнини қандай ташкил этиш ва ўтказишга оид маърузалар тингланди.

Семинар очиқ мулоқот, савол-жавоблар шаклида ўтди.

**Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири**

## Ким эдигу ким бўлдик?

**Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни узлуксиз техник ва технологик янгилаб бориш, замонавий ахборот коммуникация тизимларини кенг жорий этишни асосий мақсадимиз сифатида кўришимиз керак.**

**Ислом КАРИМОВ**

# Таркибий ўзгаришлар — иқтисодий ўсишнинг асосий йўналиши

**I-қисм**

Маълумки, мустабид тузум даврида Ўзбекистон умумиттифоқ меҳнат тақсимотида хомашё базаси вазифасини бажарар эди. 1990 йилда СССРда ишлаб чиқариладиган пахта толасининг 62,4 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келар ва айни пайтда етиштирилган пахтанинг 7 фоизигина республикада қайта ишланар эди.

Республика иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг қайта ишловчи тармоқлари улушининг юқорилигини шундан ҳам билса бўладики, 1990 йилда собиқ иттифоқ миллий даромадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг улуши 24,9 фоизни ташкил қилгани ҳолда, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 44,2 фоиздан ортиқ эди. Қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони эса, мос равишда 18,2 фоиз ва 39,3 фоизни ташкил қилган. Шунингдек, саноат маҳсулотининг асосий қисми енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларидан иборат бўлиб, уларнинг улушига ушбу тармоқ маҳсулотининг 56 фоизи тўғри келган. Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистонда бутун экспорт салоҳиятининг 80 фоизини берган.

Экспортнинг 67 фоизини битта товар — пахта хомашёси, импортнинг эса, 57 фоизини дон маҳсулотлари ташкил қилар эди.

Табиийки, бундай шароитда асосий муаммо мўл-кўлчилик, ички озиқ-овқат бозорини шакллантириш, ортиқчасини ташқи бозорга олиб чиқиш эмас, аҳолини минимал зарурий истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш бўлиб қолади.

Жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, саноатсиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириб бўлмайди. Қишлоқ хўжалигининг қолоқлиги саноатнинг ночорлиги билан, унинг тараққиёт даражаси билан белгиланади. Саноат ночор бўлса, қишлоқ хўжалигида ҳам ўсиш юз бермайди.

Шу билан бирга, сурункасига техника экинлари экилавериб, ҳар гектар бошига минерал ўғитлар сарфининг ошиб борганлиги ернинг тинка-мадорини қуритди ва тупроқ ҳосилдорлиги пасайишига олиб келди. Алмашлаб экиш қоидаларига тўла риоя қилинмади. Натижада, шўр босган тупроқ эрозиясига учраган майдонлар улуши кенгайди. Тупроқ таркибининг бузилиши ҳосилдорликнинг асосий кушандаси бўлиб чиқди.

Тинимсиз қилинган меҳнатнинг бесамарлигини шундан ҳам билса бўладики, 1990 йилда аҳоли жон бошига товарлар ва хизматлар истеъмоли Россияда 3735, Грузияда 3575, Украинада 3470, Қозоғистонда 2900 ва Ўзбекистонда эса 2200 АҚШ долларини ташкил этарди.

1990 йилда жон бошига гўшт истеъмол қилиш Белорусда 73 кг., Қозоғистонда 71 кг., Россияда 69 кг., Украинада 65,5 кг., Ўзбекистонда эса 30 кг. эди. Тухум истеъмол қилиш жон бошига Белорусда 320, Россияда 228, Қозоғистонда 207 дона бўлгани ҳолда, Ўзбекистонда 107 дона бўлганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Бошқа маҳсулотларни истеъмол қилиш бўйича ҳам Ўзбекистон иттифоқ республикалардан анча орқада эди.

●●○●▶3

▽Сарҳисоб

***Биз инсон қадри улуғланган, ҳар бир интилиш, ташаббус ва янгиланишлар, аввало, инсон манфаати, унинг устуворлигига қаратилган юртда яшаяпмиз. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ушбу сиёсат тантанасида жамоат ташкилоти ҳисобланмиш касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.***

## МАСЪУЛИЯТ

Шу ўринда ишчи-ходим ҳамда унинг яқинларига яратилган шароит, берилган имтиёз ва турли кўринишдаги кўмак минг-минглаб оилаларнинг қувончига қувонч қўшаётганини эътироф этиш ўринли. Бу борада бизга Вазирлар Маҳкамаси, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлиги ифодаси бўлмиш ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2014-2016 йилларга мўлжалланган Бош келишув куч-ғайрат бағишламоқда.

Бош келишувдан келиб чиққан ҳолда жамоа шартномалари ва келишувлари ижросини таъминлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини давр талаби асосида зарур банд ва бўлимлар билан бойитиш, бу орқали ходимларга қулай меҳнат ва дам олиш шароитини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ходимлар иш берувчи ва касаба уюшмалари ўртасидаги ижтимоий шериклик асосида яратиб берилаётган кўплаб имтиёз ва кафолатлардан фойдаланишмоқда.

Жумладан, "Соғлом бола йили" Давлат дастурини бажара бориб, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида 2577 та корхона ва ташкилотда 6556 нафар эҳтиёжманд оила вакилларига моддий ёрдам кўрсатилди. 81 та оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун фоизсиз ссудалар берилди, олий ўқув юртида таҳсил олаётган 101 нафар талаба учун шартнома пулларининг бир қисми қопланди. 3036 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатлари қопланди. 256 нафар ходимнинг фарзандларига чет тилларни ўргатиш учун моддий ёрдам кўрсатилди.

●○●●▶2

2015-yil 26-fevral, payshanba, № 27 (3532), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Истиқлол берган имкон







# КОРХОНАДА ИШ ҚИЗҒИН

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 ноябрдаги "2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги қарорига асосан иш бошлаган «XORAZM TEX» масъулияти чекланган жамияти жадал ривожланаётган корхоналардан.***

Боғот туманидаги Бешариқ қишлоғида жойлашган мазкур корхона йилига 4300 тонна ип-калава маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Ўтган йили шериклик асосида 479,6 тонна пахта толаси олиниб, шундан 430 тонна ип-калава тайёрланди ва 20 тоннаси хорижга экспорт қилинди.

Корхонага Республика ДАТ «Асака банк»идан олинган кредит ҳисобига Швейцария ва Туркиядан замонавий технологик асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилган. Эътиборлиси, жамоада ҳозирги пайтда 200 киши меҳнат қилаётган бўлса, шундан 93 нафари коллеж битирувчиларидир.

— Иш берувчи билан ҳамкорликда ходимлар учун муносиб ва қулай меҳнат шароитини яратишга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди «XORAZM TEX» масъулияти чекланган жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Зулфия Пираддинова. — Хусусан, ходимлар махсус кийимбош, шахсий гигиена воситалари, сут маҳсулотлари билан таъминланади. Шунингдек, жамоанинг дам олиши ва саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида ходимлар гимнастикасини ташкил этганмиз. Қолаверса, корхонада меҳнат қилаётган 111 нафар хотин-қизга ҳам тегишли имтиёзлар мавжуд. 2014-2016 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномамизда ёшлар, хотин-қизларга тегишли алоҳида бандлар киритилган бўлиб, унинг ижросига масъулият билан ёндашамиз.

**Гўзал НОРЧАЕВА,**
**"Ishonch" мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

## ▼ Жамоа шартномаси: у қандай бажарилмоқда?

***Пахтакор туманида мустақиллик йилларида тиббий хизмат тубдан яхшиланди. Тиббиёт муассасаларини таъмирлаш, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш мақсадларига ўтган йилнинг ўзида уч миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Жорий йилда ҳам ана шу мақсадлар учун 3,2 млрд. сўм сарфланиши белгиланган.***

# ХОДИМЛАР ЭЪТИБОРДА

Иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси ижросига бағишланган йиғилишда туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Дарвишали Норбоев ҳамда касаба уюшма қўмитаси раиси Аҳмад Андаевлар таъкидлаганидек, жамоада меҳнат қилаётган 675 нафар ходимнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал ҳимоясида ижтимоий шериклик тамойили асос бўлди.

Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан ўтказилаётган кўрик-танловда туман тиббиётчилар жамоаси вилоятда биринчиликни қўлга киритганлиги эса, инсон омили қанчалар эътиборда эканлигини тасдиқлади. Соҳа ходимлари эъзозда бўлиб, ҳар бир бўлимда шахсий гигиена ва дам олиш хоналари ташкил этилган.

Жамоа шартномасидаги аёллар ва ёшларга оид бандлар тўлиқ бажарилди. Ҳомиладор аёлларнинг тиббий кўрикдан ўтиши учун уларнинг ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этиш имконияти берилди. Уч ёшга тўлмаган фарзанди бор 12 нафар аёл бир соатга қисқартирилган иш кунидан, беш нафар саккиз ёшгача фарзанди бўлган аёл ойига бир кундан иборат қисман ҳақ тўланадиган дам олиш кунидан фойдаланмоқда.

Йиғилишда айрим камчиликларга йўл қўйилгани ҳам қайд этиб ўтилди. Жумладан, меҳнат муҳофазаси бўйича Битим талаблари қисман бажарилмаган. Иш ўринларини меҳнат шароити бўйича шаҳодатлаш эса кечикаётир.

Кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

***

Шу куни Пахтакор туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси ҳам бўлиб ўтди. Унда касабақўм раиси Аҳмад Андаевнинг ҳисоботи ҳамда тафтиш комиссиясининг ахбороти тингланди. Музокаралардан сўнг фаолиятга қониқарли баҳо берилди.

А.Андаев туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси этиб қайта сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бўлим мудири М. Исаев, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири И.Турсунов, Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилоятидаги масъул ташкилотчиси Ҳ.Қодиров сўзга чиқдилар.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**"Ishonch" мухбири**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИДА ҳисобот-сайловлар йили

***Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази касаба уюшма ташкилотида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилиши таҳлилга бой бўлганлиги билан катта қизиқиш уйғотди. Йиғилишни ЎзФА бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Ш.Жўраев олиб борди.***

## ТАҲЛИЛГА БОЙ БЎЛДИ

Марказ касабақўм раиси Ш.Мусаев ўтган ҳисобот даври мобайнида бошланғич ташкилот ҳамда юқори касаба уюшма органлари томонидан ходимлар ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий манфаатлари ҳимояси борасидаги хайрли ишлар, шунингдек, марказ касаба уюшмасида ечимини кутаётган баъзи муаммолар ҳақида кўргазмали маъруза қилди.

Таъкидландики, ҳар йили Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар айнан ходимлар манфаатини ҳимоялашни янада юксак поғонага кўтараётир. Тизимга жорий этилаётган янгиликлар, жамоа шартномаларига киритилган қўшимча бандлар, шунингдек, юқори органлар томонидан олиб борилаётган хайрли ишлар бошланғичларга қаратилган амалий ёрдам бўлаётир.

Шу билан бирга, йиғилишда ечимини кутаётган долзарб масалалар юзасида фикр алмашилди.

Йиғилишда касаба уюшма қўмитаси таркиби сайланиб, биринчи ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. Касаба уюшма қўмитаси раиси ва раис ўринбосари сайланди. Тизимга яқиндан кўмаклашган, бугунги кунда устозлик қилаётган кекса ёшдаги касаба уюшма фаоллари бирлашган қўмита томонидан рағбатлантирилди.

**Ҳилола**
**АБДУМЎМИНОВА**

***Янгибозор пахта тозалаш очиқ акциядорлик жамияти касаба уюшма ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Эътиборли жиҳати, анжуман намунавий асосда ташкил қилингани боис, барча тармоқлардан касаба уюшма фаоллари, бошланғич қўмита раислари ташриф буюрди.***

## МАҚСАД — МАНФААТЛАР УЙҒУНЛИГИ

Анжуманни агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Янгибозор туман кенгаши раиси Р.Шержонов олиб борди.

Жамият касаба уюшма қўмитаси раиси Файзулло Юсупбоев 2010 йилдан шу кунгача бўлган фаолияти юзасидан ҳисобот берди.

Таъкидландики, жараёнларга монанд равишда Янгибозор пахта тозалаш очиқ акциядорлик жамиятида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Корхона ҳудуди ободонлаштирилди, маъмурий бино ва цехларда таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, ходимларга қулай, бехатар иш шароитлари яратилди. Ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилди. Жумладан, озиқ-овқат дўкони, сартарошлик, этикдўзлик, ҳаммом ва пиллахона қурилди. Натижада, 85 янги иш ўрни яратилишига эришилди.

Корхонадаги барча ишчилар, жумладан, 370 нафар касаначи жамоа шартномаси билан тўла қамраб олинган. 2014 йилнинг ўзида ижтимоий ҳимояга муҳтож оила аъзоларидан 155 нафарига 18 миллион сўмлик, хусусан, касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 25 нафарига 5,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Қолаверса, ҳисобот даврида 11 нафар касаба уюшма аъзосига уй-жой қурилиши учун 407 миллион сўм фоизсиз ссудалар олишда кўмаклашилди.

Бандлик дастури ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратилиб, корхонада 90 та янги ишчи ўринлари ташкил қилинди. 2013-2014 ўқув йилида касб-ҳунар коллежларини битирган 8 нафар ўқувчи ишга қабул қилинди.

Қўмита билан келишилган ҳолда маъмурият томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш битими имзоланди ва жамоа шартномасига киритилди. Битимга киритилган тадбирлар учун 2014 йилда 21 миллион сўм сарфланди. Тунги навбатда ишловчилар учун иссиқ овқат ташкил қилинди. Муҳандис, техник ходимлар аттестациядан ўтказилди.

Ҳисобот даврида касаба уюшма қўмитасига жами 1250 та ариза келиб тушди. Бу аризалар ўз муддатида кўриб чиқилди ва қаноатлантирилди.

Конференцияда, шунингдек, тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тингланди.

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Р. Жабборов сўзга чиқиб, фаолиятни янада яхшилаш, ходимлар манфаатдорлигини таъминлаш, меҳнат муҳофазасини кучайтириш, шунингдек, спорт-соғломлаштириш тадбирларига эътиборни ошириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Конференцияда касаба уюшма қўмитаси ва назорат-тафтиш комиссиясининг янги таркиби, қўмита раиси, АСМ ходимлари касаба уюшмаси Янгибозор туман ташкилоти конференциясига делегатлар сайланди.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**"Ishonch" мухбири**

***Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши таркибида 94 та бошланғич ташкилот мавжуд бўлиб, уларда махсус жадвал асосида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилмоқда.***

## МУҲИМ ЖАРАЁН

Фаолиятни баҳолаш асносида шунга амин бўлаяпмизки, галдаги беш йилда соҳа ишини юксак талаблар даражасида ушлаб туриш янги таркиб салоҳиятига бевосита боғлиқ. Аъзоларимиздаги фаоллик, иш берувчилар хайрихоҳлиги, айниқса, эътиборга молик. Туман маданият ва спорт ишлари бўлими, 18-болалар мусиқа ва санъат мактаби, туман "Баркамол авлод" болалар маркази каби муассасалардаги йиғилишлар эса холислик, ошкоралик, дўстона танқид асосида ўтганлиги билан ажралиб турди. Тумандаги 36-, 37-, 46-, 76-умумтаълим мактаблари ҳамда 4-, 6-мактабгача таълим муассасаларидаги ҳисобот-сайлов йиғилишларида нафақат якдиллик, рақобат ҳам кўзга ташланди.

Етакчи ишбилармон, ташкилотчи, кўпнинг дардини тушунадиган киши бўлсагина ходимларга нафи тегиши мумкин. Шунинг учун сайловлар давомида ана шу фазилатлар эгасига устунлик берилди. Ҳозирда 4 нафар бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислари янгитдан сайланди. Ўйлайманки, қолган ташкилотларда ҳам муносиб номзодлар саралаб олинади.

Дарвоқе, Кексаларни эъзозлаш йилида кўпгина эзгу режалар тузганмиз. Соҳада ишлаб, ҳозирда қарилик гаштини сўраётган фахрийлар ҳамда ёши улуғ сафдошларимиз манфаати устуворлик касб этиши учун режаларимизга тегишли бандларни киритишни ўйлаб қўйибмиз. Касаба уюшмалари ҳар доимгидек меҳнаткашларнинг биринчи галдаги кўмакдоши бўлиб қолиши йўлида изланишларимиз давом этаверади.

**Эркин АБДУСАЛОМОВ,**
**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Нуробод туман кенгаши раиси**

***Гулистон туманидаги 70-мактаб-интернатида маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасидаги 2012-2014 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг ўтган йилда бажарилиши ва 2015-2017 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг муҳокамасига бағишланган меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши ўтказилди.***

## ФАОЛИЯТ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

— Қабул қилинаётган жамоа шартномасида асосий эътибор меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилаётганлиги билан аҳамиятлидир, — дейди мактаб-интернат бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Тоҳир Мирзаев.

Йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бўлим мудири Маҳмуд Исаев иштирок этди ҳамда кўрилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шу билан бирга, касаба уюшма аъзоларининг меҳнат муносабатларига оид саволларига жавоб берди.

**Ўз мухбиримиз**

# МАСЪУЛИЯТ

***(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).***

Олдимиздаги яна бир муҳим талаб — болали аёлларнинг манфаатини нодавлат секторда янада қатъий ҳимоялашдир. Шу мақсадда 151 та нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 256 нафар болали аёлларнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси 1 соатга қисқартирилди.

Меҳнат, бандлик масалалари ҳам касаба уюшма фаоллари олдида турган долзарб вазифалардан. Ҳудудда бўш турган иншоотлардан унумли фойдаланган ҳолда маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш орқали янги иш ўринларини яратиш ғояси бу борадаги изланишлардан биридир. Ҳар бир туманда касаба уюшмалари томонидан намунали маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этишга эришилгани нафақат жамоат ташкилотининг, балки сервисга эҳтиёж сезаётган аҳоли ҳамда иш қидираётган ёшларнинг ҳам ютуғи бўлди.

Мақсадимиз ёшларни ишли қилиш билангина кифояланиб қолмай, уларга бизнес қоидаларини ўргатиш, кейинчалик мустақил тадбиркорлик фаолияти юритишига кўмаклашиш эди. Бунда касаба уюшмаси томонидан керакли жиҳозлар олиб берилгани, уларнинг ортиқча югур-югурдан халос этилгани дастлабки қадам бўлди. Мазкур шохобчалар айни вақтда "бизнес инкубатор" вазифасини ўташидан ҳам умидвормиз.

Шохобчалар фаолиятини йўлга қўйишда Норин тумани пешқадам. Тумандаги Учтепа МФЙ ҳудудида шундай маскан фаолият бошлади. Натижада, маҳалла ҳудудида истиқомат қилувчи Ҳасанбой Турсунов, Мадина Жумабоева, Мафтуна Бойдадаева, Абдулла Жўраев каби ёшлар иш билан таъминланди. Эркаклар сартарошхонаси, аёллар гўзаллик салони, тикувчилик ҳамда оёқ кийимларни таъмирлаш устахоналари тармоқ касаба уюшмалари кенгашлари томонидан керакли воситалар билан жиҳозланди.

Иш билан таъминланишда меҳнат ярмаркалари жуда қўл келмоқда. Жойлардаги бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда ўтган йилда 82 марта бўш иш ўрни меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Шунингдек, меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобат қила олмайдиган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор берилиб, квотали иш ўринларидан фойдаланиш даражаси 99,1 фоизга бажарилди. 924 та корхонада 6234 та банд қилинган иш ўринларига 6178 нафар ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар жойлаштирилди.

Кейинги пайтларда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар оқибатини бартараф этиш эмас, балки ўнга йўл қўймаслик, яъни профилактик чора-тадбирларга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган йил давомида вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасалардан 17 тасида 871 та иш ўрни шаҳодатлашдан ўтказилди. 349 нафар ходим имтиёзли пенсияга чиқиш, 2211 нафар ходим қўшимча таътил ва 535 нафар ходим бепул сут маҳсулотларини олиш ҳуқуқига эга бўлди.

Вилоят КУТБ тизимидаги ташкилотлар томонидан ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий ҳимоя механизми самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш борасида қўлга киритилган ютуқларни оммалаштириш ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишда муайян натижаларга эришилди. Бирлашмага фуқаролардан 214 та, шундан 42 таси ёзма, 172 та оғзаки мурожаат келиб тушган бўлиб, "Ишонч телефони" орқали 41 нафар фуқарога ҳуқуқий маслаҳат билан амалий ёрдам берилди.

Ўзини, ўзлигини пок асрай олган инсон ҳамиша улуғ мақсадларни кўзлайди. Турли корхона-ташкилотларимизда доимий ўтказиб келинаётган «Маънавият соатлари» замирида ана шу мақсад ётибди. Шу маънода ҳар бир ҳудудда намунали «Маънавият соати» ўтказиш йўлга қўйилганлиги айни муддао бўлди. Мазкур тадбирларга муайян корхона ишчи-ходимларидан ташқари, тажриба алмашиш мақсадида ҳудуддаги тармоқ касаба уюшмалари етакчилари ҳам таклиф этилаётир.

Ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш бирламчи масалалардан бўлиб, бирлашма ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан ўтган йил давомида 1331 нафар ходим санаторийлар йўлланмаси билан таъминланди. Ёзги мавсумда болажонларнинг дам олишига муносиб ҳисса қўшилиб, режа ортиғи билан бажарилгани эътиборга молик. Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида ўтказилган "Саломатлик" спартакиадаси, турли мавзуларда спорт тадбирлари, мусобақа ва турнирлар сони 800 дан ошиб кетди.

Туризм иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларидан бўлиб, уни ривожлантириш, туристик хизматлар кўрсатиш сифатини замон талабига мос равишда ташкил этишда касаба уюшмаларининг фаол иштироки таъминланди. Мамлакатимизнинг Хива, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Марғилон, Андижон, Термиз, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларига 2703 нафар, вилоятимизнинг диққатга сазовор жойларига 6073 нафар эҳтиёжманд оила вакиллари учун саёҳатлар уюштирилди.

Истиқлолимиз тантаналари арафасида ўтказилган "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" мавзусидаги маданий-маърифий тадбирни одамлар ҳанузгача қувониб эслаб юришибди. Ушбу тадбирда касаба уюшмалари томонидан 136 нафар аёлга маиший техника жиҳозлари, "Ватан ўз ватанпарварларини хотирлайди" акцияси доирасида хизмат вазифаларини бажариш вақтида ҳалок бўлган 6 нафар ҳарбий хизматчи ва ички ишлар органлари ходимлари оилаларига байрам совғалари топширилди. Шунингдек, "Касаба уюшмалари — талабаларга" акцияси доирасида олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган 14 нафар талаба-ўқувчига "Касаба уюшмалари стипендианти" сертификатлари тақдим этилди. Ишлайдиган, камхарж, кўп болали 15 нафар аёл касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга бепул йўлланмалар билан таъминланди.

* * *

Юртбошимиз "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да эътироф этганидек, "Фуқаролик институтлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда". Бундан буён ҳам юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш биз учун бирламчи вазифа бўлиб қолаверади.

**Зулайҳо МАҲКАМОВА,**
**Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси**

# Таркибий ўзгаришлар – иқтисодий ўсишнинг асосий йўналиши






***(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).***

Статистик тўпламларда чоп қилинган маълумотлар шуни кўрсатадики, иқтисодий ислоҳотлар арафасида, яъни 1990 йилда, Ўзбекистон МДҲ давлатлари ичида ЯИМ ҳажми бўйича Россия, Украина, Белорус, Қозоғистондан кейин 5-ўринни эгаллаган ёҳуд аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш Ўзбекистон Республикасига нисбатан Россияда 2,5 баробар, Украинада 2 баробар, Белорусда 2,3 баробар кўп бўлган.

Бу қадар орқада қолишнинг асосий сабабларидан бири — собиқ иттифоқдаги субъектив тарздаги нотўғри ҳудудий меҳнат тақсимотидир. Ўзбекистон асосий пахта базаси, ипакчилик, қоракўлчилик ва бошқа маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчиси эди. Бу тармоқларда қўл меҳнатининг улуши юқори бўлиб, меҳнат унумдорлиги эса паст даражада бўлган.

Саноат тармоқлари таркибий тузилишида ҳам чуқур номутаносиблик мавжуд эди. Саноатда тайёр маҳсулотлар улуши 50 фоизни ташкил этар эди. Бу — саноатнинг ҳам хомашё ва оралиқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилганидан далолат беради.

Иқтисодиёт таркибий тузилишидаги номутаносиблик Ўзбекистонга юқоридан туриб зўрлаб тиқиштирилган ихтисослашув оқибати эди, албатта. Натижада, собиқ иттифоқ даврининг кейинги 50 йили мобайнида енгил саноатнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 54 фоиздан 37 фоизгача, озиқ-овқат саноати улуши эса, 30 фоиздан 14 фоизгача тушиб қолди.

Шунга кўра, ёқилғи, кимё ва нефткимё, қора ва рангли металлургия каби хомашё ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларининг улуши кескин ўсди. Машинасозлик саноати тармоқлари ҳам пахта комплексига бўйсундирилди ва унинг саноат маҳсулотларидаги улуши 16 фоизни ташкил этди.

Халқ хўжалигининг тармоқ таркибида хомашё ва оралиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг устуворлиги оқибатида собиқ иттифоқдош республикалар билан бўладиган ўзаро маҳсулотлар айирбошлашда салбий салдо юзага келди.

Бундай салбий кўринишлар ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар билан киришини тезроқ таъминлаш мақсади Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки давридаёқ халқ хўжалиги тармоқ тузилишини тубдан ўзгартиришни зарурат қилиб қўйди.

Хуллас, собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистон иқтисодиётида жуда кўп муаммолар ва номутаносибликлар йиғилиб қолган бўлиб, буларни бартараф этмай туриб, эртанги кунга тамал тоши қўйишнинг сира иложи йўқ эди.

Ана шундай шароитда Ўзбекистон ўзи танлаган йўл билан иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга киришди. Бунда иккита устувор йўналиш — макроиқтисодий барқарорликка эришиш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш энг муҳим вазифа сифатида белгилаб олинди.

**II-қисм**

Ана энди Давлатимиз раҳбарининг мана бу таъкидларига эътиборингизни тортамиз. "Устувор ҳисобланган етакчи тармоқлар белгилаб олинмаса, бозор муносабатлари шароитида уларнинг шаклланишига ёрдам кўрсатилмаса, иқтисодий стратегия бой берилади... ўтиш даврида давлат ўз иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида шуни эътиборда тутиш керакки, у устувор катта истиқболга эга бўлган тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ҳар томонлама рағбатлантириши, яъни энг муҳим бўғинларни аниқлаши (нефт – нефт мустақиллиги, энергетика-энергетика мустақиллиги, донғалла мустақиллиги, пахтани қайта ишлаш саноати ва ҳоказо) ва шу орқали иқтисодиётни таркибан қайта ташкил қилиш бўйича изчил сиёсат ўтказиши керак".

Таркибий силжишлар йўлидан бориб республикада энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминловчи тармоқларни жадал ривожлантириш ҳамда минерал ва қишлоқ хўжалик хомашё ресурсларидан тайёр рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ўзаро боғлиқ тармоқлар ва корхоналар имкониятини оширишдан иборат вазифалар ҳам белгиланди. Шунингдек, республиканинг анъанавий ихтисослашувидаги ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналарни замонавий технологиялар билан қайта қуроллантириш йўли билан уларни ривожлантириш назарда тутилди.

Яъни: «... Шундай бир структурани вужудга келтириш зарурки, бу структура барча ресурсларимизни ҳисобга олиб, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш имконини берсин», деган пурмаъно фикрларга амал қилинди.

Таркибий ўзгаришлардан кўзланган аниқ мақсадлар қуйидагилар эди:

· иқтисодиётнинг хомашё етиштиришдан иборат бир томонламалигига чек қўйиш;

· истеъмолга тайёр, яъни тугалланган маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш;

· импорт ўрнини боса оладиган товарларни иложи борича мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариб, импортга қарамликни чеклаш;

· маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиб, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш;

· ишлаб чиқаришнинг истиқболли соҳаларига устуворлик бериб, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш;

· меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш, янги технологияларга ўтиш, халқимизнинг миллий ва тарихий анъаналарига мос келадиган янги соҳаларни барпо этиш;

· ўзимизда ишлаб чиқариладиган товарлар ҳисобидан миллий бозорни тўлдириш орқали халқ истеъмол молларининг муҳим турларига бўлган аҳоли талабларини тўлароқ қондириш;

· илмталаб маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқариш, уларни экспорт қилиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

· илмталаб тармоқлар учун тегишли юқори малакали кадрлар тайёрлаш.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг таркибий тузилишида чуқур ўзгартиришлар амалга оширилиши оқибатида республиканинг ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжи ўзи ҳисобидан тўла таъминланди ҳамда ғалла импортига қарамлик барҳам топиб, ғалла мустақиллиги қарор топди.

Агар 1991 йилда мамлакатимизда 2831 минг тонна нефт ва газ конденсати ишлаб чиқарилган бўлса, 2013 йилга келиб 3600 минг тонна, ғалла ишлаб чиқариш эса, шу муддат ичида 1908,2 минг тоннадан 7805 минг тоннага етди. 2014 йилда мамлакатимизда 8050 минг тонна ғалла, 3 миллион 400 минг тоннадан ортиқ пахта етиштирилди.

Шу давр мобайнида республика саноатида юксак технологияга асосланган ва истиқболли тармоқларнинг, яъни машинасозлик, ёқилғи-энергетика, кимё ва енгил саноат кабиларнинг ҳиссаси ортиб борди. Ўзбекистон иқтисодиётининг тармоқ тузилишини ўзгартиришда янги нефт конлари — Мингбулоқ ва Кўкдумалоқ конларининг ишга туширилиши, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг қурилиши, Қашқадарё — Шўртан газ-кимё мажмуасининг барпо этилиши, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг ишга туширилиши, Янги Ангрен ва Талимаржон ГРЭСлари қурилишининг жадаллаштирилиши, Хоразм вилоятида йилига 60 мингта автомобил ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган "Хоразм автомобил ишлаб чиқариш бирлашмаси" масъулияти чекланган жамияти негизида "Дамас" ва "Орландо" русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, Жиззах вилоятида 750 минг тонна портландцемент ёки 350 минг тонна оқ цемент ишлаб чиқариш, Қорақалпоғистон Республикасида "Манғит" масъулияти чекланган жамияти негизида йилига 5 минг тонна маҳсулот чиқариш қувватига эга бўлган ип-калава йигирув корхонасини ташкил этиш, "Ўзагросаноатмашхолдинг" компаниясининг тузилиши, соҳа корхоналари оптималлаштирилиб, улар қишлоқ хўжалигида талаб этилаётган аниқ турдаги техника ва механизация воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилиши, Тошкент трактор заводининг оптималлаштирилган ишлаб чиқариш майдонларида янги корхона — "Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиши ва бу ерда тракторлар, тиркама ҳамда пахта териш машиналари янги моделларини ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши, металлургия саноати ишлаб чиқарилишининг кўпайтирилиши ва бошқа йирик объектларнинг ишга туширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда саноат маҳсулотлари таркибий тузилишида маълум ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Ёқилғи-энергетика, кимё ва нефт-кимё саноати, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатининг улуши ортиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда автомобилсозлик, нефтгазкимё саноати, нефтгаз машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электротехника, фармацевтика, замонавий озиқ-овқат саноати каби бир қатор мутлақо янги тармоқлари яратилди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз иқтисодиётида автомобилсозлик саноати алоҳида ўрин эгалламоқда. Бу тармоқ Асака шаҳрида АҚШнинг "General Motors" компанияси билан ҳамкорликда енгил автомобиллар ишлаб чиқарадиган, Тошкент шаҳрида Германиянинг дунёга машҳур "Deymler Bens" ва Самарқанд шаҳрида Японияниг "Isuzu" компаниялари билан ҳамкорликда автобуслар ишлаб чиқарадиган ҳамда Германиянинг "MAN" компанияси билан ташкил этилган юк автомобиллари ишлаб чиқарадиган янги заводларни ўз ичига олади.

Янги пайдо бўлган автомобил компаниялари учун бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, лок-бўёқ ва бошқа маҳсулотлар етказиб берувчи ўнлаб корхоналар барпо этилди. Бу, айни пайтда, бандлик масаласида ҳам шаҳдам қадамлар ташланди, деганидир. Жаҳон тажрибасидан маълумки, автомобилсозлик соҳасида битта иш ўрни очилиши бошқа тармоқларда унинг сони 7 тадан 15 тагача кўпайишига олиб келади.

Прогрессив таркибий ўзгаришлар миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун ҳам хосдир. Айниқса, енгил саноат учун. Пировард маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар ҳиссаси ўсиб бормоқда, буни тўқувчилик саноати мисолида кўриш мумкин. Бу тармоқда кўпгина янги тўқимачилик корхоналари барпо этилди, пахта-тозалаш корхоналари янги техника ва технология асосида реконструкция қилинди.

Буларга қўшимча сифатида Бухоро шаҳридаги «ДЭУ текстил» тўқимачилик комплекси, Андижон вилоятидаги «Полвонтош текстил», Жиззахдаги «Зилол текс» ва бошқа корхоналарни тилга олишимизга тўғри келади. Натижада, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ортиб бориши кузатилмоқда. Чунончи, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарда 1995 йилда 35,1 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунга келиб ушбу компания тизимидаги 250 дан зиёд корхоналарнинг ишлаб чиқариш суръати янада ошиб, 950 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрланмоқда.

2008 йили "Ўзбекенгилсаноат" давлат акционерлик тизимидаги корхоналарни ривожлантириш ва қўшма корхоналар ташкил этиш учун 102,6 миллион АҚШ доллари, 2012 йилда эса 180,9 миллион АҚШ доллари йўналтирилди. Жанубий Корея, Германия, Хитой, Буюк Британия давлатларининг сармоялари ҳиссаси, айниқса, салмоқлидир. Буларнинг бари, ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот экспорт ҳажмини оширишда муҳим омил бўлаётир. 2012 йилда "Ўзбекенгилсаноат" давлат акционерлик компанияси тизимида бирлашган 300 та корхона томонидан МДҲ, Европа Иттифоқи ҳамда Осиё минтақасининг ўнлаб давлатларига 705,3 миллион АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур компания тасарруфидаги корхоналар 2015 йилда республикамизда етиштирилаётган пахта хом ашёсининг 50 фоиздан зиёдини қайта ишлаш имкониятига эга бўладилар, бу ўз навбатида, маҳсулот экспорти янада ортишига олиб келади.

Кейинги 5 йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм вилоятларининг ЯИМдаги салмоғида муайян ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар саноати ривожланган Тошкент, Фарғона, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг ЯИМдаги салмоғи ўсиши билан изоҳланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, барча ҳудудларда аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ишлаб чиқариш кўпайган. Бу ҳудудларда саноат маҳсулотлари, халқ истеъмол товарлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш бир мунча ошиши ҳисобига юз бермоқда ва ушбу ижобий натижалар умумреспублика кўрсаткичларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Масалан, мамлакатимизда мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти 5 баробар, аҳоли жон бошига нисбатан ўсиш 8,7 баробардан зиёдни ташкил этди.

Табиийки, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ҳудуд таркибий тузилишида чуқур ўзгаришларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга молик. Бунда хомашё етиштиришга асосланган тармоқлар тузилишини ва ишлаб чиқаришнинг ҳудудий номувофиқликларини бартараф этиш муҳимдир. Ҳудудлардаги мавжуд ресурсларга нисбатан иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига устунлик бериш қуйидагиларга асосланишни талаб этади:

* ҳудуддаги мавжуд хомашё ресурслари ва уларни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришнинг амалдаги ҳолатини таҳлил этиш;

* ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ва экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

* иқтисодиётнинг минтақавий тартиблашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш;

* иқтисодий тартиблаш воситалари (солиқ, бюджет, кредит рағбатлари ва имтиёзлари, меҳнатга ҳақ тўлашдаги тариф тизимлари) орқали саноатни минтақалар бўйича рационал жойлаштириш;

* ҳудудий бошқариш органларининг вазифалари, ҳуқуқ, ваколатлари ва масъулиятини ошириш;

* маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш, ҳудудий молиялаштиришнинг бюджетдан ташқари манбаларини, фондларни ривожлантириш;

* ҳудудларда институционал ўзгартиришларни чуқурлаштириш;

* ҳудуднинг бой табиий бойликларидан, иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бўйича кенг қамровли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Модернизациялаш жараёни мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги таркибий ўзгаришларни изчиллик билан давом эттиришни ҳам тақозо этади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарасини ошириш, мулкчилик муносабатлари ва шаклларини тубдан ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, қишлоқларимизни обод этиш асосида қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш вазифалари мазкур соҳада таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг мақсад йўналишларини белгилаб беради.

Мамлакатимиз аграр соҳасида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари муттасил ўсиб бормоқда.

Амалга оширилган ўзгаришлар асноси, энг аввало, пахта экиладиган ерларни оптималлаштириш ва бошоқли дон экинлари, сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик учун ажратилган майдонларни кенгайтириш ҳисобидан экин майдонлари таркибида ўзгаришлар қилинди. Республиканинг бир қанча туманларида пахта экиш майдонлари қисқартирилди, айрим туманларда пахта экишдан бутунлай воз кечилди. Пахта экишдан бўшаган ерларда дон экинлари, сабзавот, картошка етиштириш йўлга қўйилди, боғ ва узумзорлар барпо этилди. Натижада, 2012-2014 йилларда пахта етиштириш ҳажми сақланган ҳолда, сабзавот етиштириш 16,3 фоиз, полиз экинлари 16,6 ва мева етиштириш қарийб 21 фоизга ўсди.

2013 йилда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган жами маҳсулот ҳажми 30849,4 млрд. сўмни ташкил этди, ёки 2012 йилга нисбатан 6,8 фоизга ўсди, 2014 йилда эса 2013 йилга нисбатан 6,9 фоизга ўсиш юз берди.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришни ҳам тақозо этади. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида ялпи ички маҳсулотнинг 54,0 фоиздан зиёди яратилмоқда, унда иқтисодиётда банд бўлган меҳнатга лаёқатли аҳолининг қарийб 60 фоизи фаолият юритмоқда. Ваҳоланки, 1991 йилда ялпи ички маҳсулот таркибида хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши 25,9 фоиз эди холос.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар, хизмат соҳасидаги алоҳида олинган тармоқларини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қатор дастурий йўналишлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келди. Жумладан, 2010 йилда аҳолига кўрсатилган умумий хизматлар ҳажми 31785,8 млрд. сўмдан иборат бўлса, 2012 йилда 51121,1 млрд. сўм, 2013 йилда 65337,6 млрд. сўмни ташкил этди, 2014 йилда эса 2013 йилга нисбатан 15,7 фоизга ўсди.

Кўзланган мақсадлар янада улуғвор. Буни мамлакатимизда 2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар дастури тасдиқланганлигидан ҳам билса бўлади. Ҳозирги кунда ушбу дастурда белгиланган ишлар амалга оширилмоқда. Дастурда кўрсатилган асосий йўналишлардаги чора-тадбирлар натижасида хизмат кўрсатиш соҳасида кўплаб ижобий ютуқларга эришилмоқда. Жумладан, ялпи ички маҳсулот таркибида хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши 2014 йилда 54 фоизга етди, 2015 йилда эса 54,5 фоизга етказиш назарда тутилмоқда.

**III-қисм**

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ва барқарор ўсишни таъминлашда инвестициялар муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз таъкидлаганларидек, "Биз оддий бир ҳақиқатни доимо эсда тутишимиз даркор. Яъни сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди".

Бинобарин, инвестиция фаолияти миллий иқтисодиёт ривожланишининг муҳим манбаи ҳисобланади. Инвестиция фаолияти асосидаги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш фан-техника тараққиётининг ўсиш суръатлари ва кўламига фаол таъсир кўрсатади, ишчи кучи бандлигини таъминлашга шарт-шароит яратади. Шу билан бирга, мазкур фаолият иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, диверсификация жараёнлари, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳудудлар бўйича самарали ва оқилона жойлаштирилиши ва ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади.

Мустақилликка эришилгандан кейин ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимизда инвестиция жараёнлари ва уларнинг йиғиндисидан таркиб топадиган қатор иқтисодий ва ҳуқуқий асослар яратилди. Ўзбекистон Республикасининг инвестиция фаолиятига даҳлдор қонунлари, Президент фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарор ва меъёрий ҳужжатлари қабул қилинди. Уларга таяниб иш юритила бошланди ва бу тўлалигича ўзини оқлади. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун барча молиявий маблағлар ҳисобидан 2008 йилда 6,4 миллиард, 2009 йилда 8,2 миллиард, 2010 йилда 9,7 миллиард, 2011 йилда 10,7 миллиард, 2012 йилда 11,7 миллиард, 2013 йилда 13 миллиард, 2014 йилда 14,6 миллиард АҚШ доллари, миқдорида инвестиция жалб этилди.

Мамлакатимиздаги инвестиция жараёнларининг такомиллашиб бораётганлигини намоён этувчи жиҳат — давлат бюджетидан молиялаштириш таркибидаги нисбатларнинг сезиларли даражада ўзгариб бораётганлигидир. Инвестиция жараёнларига давлат бюджетидан молиялаштирилган маблағлар ҳолати шуни кўрсатадики, агар 2000 йилда корхона ва аҳоли маблағлари ҳисобидан инвестиция жараёнларини молиялаштириш барча инвестицияларнинг 39,1 фоизини ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб 53,1 фоизга етди, давлат бюджетидан молиялаштириш эса мос равишда 29,2 фоиздан 5,5 фоизга пасайди.

Маълумки, инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркибий шаклланиши иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва таркибий ўзгаришлар жараёнлари билан боғлиқ. Ишлаб чиқарувчиларга солиқ юкини камайтиришга қаратилган солиқ бюджет сиёсатини такомиллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, хусусийлаштириш жараёнларини ва таркибий ўзгаришларни жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар корхоналарнинг ўз маблағлари кўпайишига имконият яратади. Ана шу қоидага амал қилингани боис 1991-2013 йиллар давомида мамлакатимиз иқтисодиётида 162 миллиард доллардан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилди, бунинг 56 миллиард доллардан зиёди хорижий инвестициялардир.

Ўзбекистонда кейинги йилларда инвестиция жараёнларининг фаоллашуви кузатилди. 2013 йилда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар ҳажми 27557,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 2012 йилга нисбатан 9,8 фоиз даражага юқори бўлди.

Биргина 2014 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинган инвестициялар ҳажми 2013 йилга нисбатан 10,9 фоизга ўсди ва АҚШ доллари ҳисобида 14 миллиард 600 миллион долларни ташкил этди. Жами капитал қўйилмаларнинг 21,2 фоиздан ортиғи ёки 3 миллиард доллардан зиёди хорижий инвестиция ва кредитлар бўлиб, уларнинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Инвестиция соҳасида шаклланган ижобий динамика иқтисодиётнинг барқарор ўсишига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Натижада, мамлакатимизда 1996 йилдан бошлаб, иқтисодий ўсиш таъминланиб, унинг суръатлари 2001-2003 йилларда ўртача 4 фоиздан, 2004-2006 йилларда 7 фоиздан, 2007 йилдан буён ўртача 8 фоиздан юқори бўлиб келмоқда. Биргина 2014 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси 14,3 фоизга ошди.

Инвестициялар умумий ҳажмининг ўсиши шароитида 2000-2014 йилларда уларнинг мулк шакллари бўйича тақсимланишида ўзгаришлар кузатилди. Масалан, мамлакатимизда 2000 йилда асосий капиталга жами инвестицияларнинг 63,9 фоизи давлат мулки, 36,1 фоизи нодавлат мулки соҳаларига тақсимланган бўлса, 2013 йилда мос равишда 21,5 фоиз ва 78,5 фоизни ташкил этди. Бу маълумотлар иқтисодиётда сифат ўзгаришлари рўй бераётгани ҳамда мулкий муносабатлар янада такомиллашаётганини кўрсатади. Мамлакатда иқтисодиётнинг нодавлат сектори аҳамиятли салмоққа эга бўлиб бормоқда. Агар 1990 йилда республика ЯИМ умумий ҳажмининг атиги 38,1 фоизи, саноат маҳсулотларининг 10,4 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 65 фоизи, чакана савдо айланмасининг 51 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторига тўғри келган бўлса, 2013 йилга келиб ЯИМ умумий ҳажмининг 82,8 фоизи, саноат маҳсулотининг 92,8 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва чакана савдо айланмасининг 99,9 фоизи нодавлат секторига тўғри келди. Ушбу секторда банд бўлганларнинг улуши 1990 йилдаги 37,2 фоиздан 2013 йилда 81,2 фоизга етди. 2014 йил 1 январ ҳолатига кўра рўйхатга олинган корхоналарнинг умумий сонида нодавлат мулки корхоналарнинг улуши 85,2 фоизни ташкил қилди.

Кейинги йилларда Президентимизнинг фармонлари асосида мамлакатимизда 3 та эркин иқтисодий зона, яъни "Навоий" эркин индустриал — иқтисодий зона, "Ангрен" махсус индустриал зона ва "Жиззах" махсус индустриал зона барпо этилди.

Эркин индустриал-иқтисодий зона, бу — мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини, биринчи галда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларини фаол жалб этишнинг муҳим омилидир ва иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуриш жараёнидаги қуйидаги вазифаларни амалга ошириш имкониятини яратади:

- мамлакат ҳудудларини ривожлантириш;
- янги иш ўринларини яратиш;
- таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялаш жараёнларини ривожлантириш;
- юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологиялар асосидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
- рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш;
- мамлакатни ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқаларини мустаҳкамлаш ва ҳ.к.

Мамлакатимизда ташкил этилган юқоридаги учта махсус индустриал зоналардаги корхоналар томонидан 2013 йилда умумий қиймати 100 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Навоий, Ангрен ва Жиззах эркин индустриал-иқтисодий зоналари ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини модернизация қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда алоҳида ўринга эга бўлиб, истиқболда қуйидаги ижобий натижаларга олиб келади:

- республикага жаҳон даражасидаги технологияларни олиб келиш ҳамда иқтисодиётнинг интеграциялашган тузилмасини яратишга ёрдам беради;
- иқтисодиётнинг устун тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб қилиш орқали истиқболли технологиялар жорий этилади, пировардида маҳаллий хомашёлар асосида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилади;
- ҳудуднинг меҳнат (ишчи кучи) ва энергетика ресурсларидан самарали фойдаланишга шароит яратади;
- янги корхоналарни барпо қилиш, қўшимча иш ўринлари яратилишига ва бандлик даражасининг аҳамиятли равишда ошишига таъсир кўрсатади;
- лизинг муносабатларини такомиллаштириш ва ундан фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратади;
- мамлакатда халқаро молиявий институтларнинг барқарор фаолият кўрсатишига олиб келади;
- чет эллик инвесторлар солиқлар, ижара ва бошқа тўловлар билан бюджет даромадларини ҳамда ҳажмини кўпайтириш орқали валюта тушумини кескин орттиради;
- республикада барқарор ўсиш суръатларининг ошишига таъсир кўрсатади, реал ЯИМ ҳажми кўпаяди, аҳолининг турмуш даражаси янада яхшиланиб, фаровонлиги ортади ва бошқа муаммоларни ҳал қилишга катта ёрдам беради.

Бу каби ижобий ишларнинг амалга оширилиши миллий иқтисодиёт таркибини ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишга, мулкчилик муносабатларини янада такомиллаштиришга катта ижобий таъсир кўрсатади ва Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда республикамизда 90 дан ортиқ мамлакатнинг хорижий капитали иштирокидаги корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Президентимиз таъкидлаганларидек, "Энг муҳими, Ўзбекистонда маҳаллий ва чет эллик инвесторлар нафақат маблағ сарфлаб, даромад олмоқда, балки корхоналарни биргаликда бошқармоқда, хорижлик муассасалар қўшма корхоналарга, аввало, илғор технологияларни олиб кирмоқда, ишлаб чиқаришни замонавий асосда ташкил этиш ва бошқаришни жорий қилмоқда".

Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Президентимиз томонидан асосий эътибор қаратилиши лозим бўлган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва уларни амалга ошириш механизмлари кўрсатиб берилди. Ана шуларга асосланиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган Ҳаракат дастури ишлаб чиқилди. Бу дастурда еттита муҳим долзарб вазифаларга алоҳида аҳамият қаратилган бўлиб, шулардан биринчисида, 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастурини тайёрлаш доирасида жами қиймати 38 миллиард долларга тенг бўлган 870 та йирик инвестиция лойиҳаси рўйхати шакллантирилди. Ушбу лойиҳаларга биноан 415 та янги корхона барпо этиш ҳамда 455 та ишлаб турган корхонани модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш назарда тутилмоқда.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, дастурни амалга ошириш натижасида саноатда юқори қўшимча қийматга эга бўлган 1000 тадан ортиқ саноат маҳсулоти турини ишлаб чиқариш, саноат ишлаб чиқаришининг 5 йилда 1,5 баробаргача ўсиши, саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 24 фоиздан 2020 йилга бориб 27 фоизга ортиши ва яна кўплаб янги ижобий бунёдкорлик ишларини амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Иқтисодиёт таркибий тузилишида чуқур ўзгаришларни амалга ошириш макроиқтисодий барқарор иқтисодий ўсишни ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишнинг энг асосий шартларидан биридир.

Иқтисодиётнинг таркибий ўзгариши ва устувор тармоқлар ривожланиши мазкур соҳаларга йўналтирилган капитал қўйилмалар миқдорига бевосита боғлиқ бўлиб, бу эса ички ва ташқи инвестицияларни миллий иқтисодиёт ишлаб чиқаришига жалб қилишни кўпайтириш ва самарали фойдаланишни тақозо этади.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар унинг барқарор ўсишига, жамият иқтисодий салоҳияти ортишига, қишлоқ хўжалигида мавжуд ортиқча меҳнат ресурсларини бошқа соҳаларга самарали тақсимлашга, янги иш жойлари кўпайтирилишига ва аҳоли даромадлари оширилиб, улар фаровонлиги янада яхшиланишига олиб келади.

**Бахтиёр УСМОНОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқув ишлари бўйича проректори.**
**Тоҳир АКРОМОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори.**
**Турғун ЗИЯЕВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Фахрий доктори**

▽Зулфия таваллудининг 100 йиллигига



# «БАХТИМ ШУ — ЎЗБЕКНИНГ ЗУЛФИЯСИМАН...»

*Эъзозлар, ардоғлар учун ташаккур,*
*Асли сиз офтобим, мен зиёсиман.*
*Тонгларингиз кулсин*
*дориломон, ҳур,*
*Бахтим шу — ўзбекнинг*
*Зулфиясиман.*

Мана икки ойдан ошдики, менга устозим — Зулфияхоним майин, ўзига хос ширали овозда шу мисраларни ўқиётгандай туюлаверади.

Президентимизнинг Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори эълон қилингани нафақат биз шогирдларию адабиёт ва маънавият аҳлини, балки улуғ шоира руҳини ҳам беҳад шод этгани айни ҳақиқатдир. Қарорда шоира таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида ўзбек тилида «Сайланма" асарлари, инглиз, рус ва қорақалпоқ тилига таржима қилинган шеърий тўпламлари, «Зулфия замондошлари хотирасида» китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш, шунингдек, ҳужжатли филм яратиш, ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида «Мустақиллик даври адабиётида Зулфия ижодининг аҳамияти» мавзуида илмий конференция ҳамда таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, санъаткорлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар, айниқса, март ойида Тошкент шаҳридаги «Туркистон» саройида зиёлилар, фаол хотин-қизлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида шоира хотирасига бағишланган ижодий кеча ўтказиш тадбирлари белгиланиши озод ва обод мамлакатимизда адабиётга, ижод аҳлига кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Зулфияхонимдек миллат ифтихорига айланган шахслар ижоди ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашдек энг эзгу тилакларимиз йўлини равонлаштиради. Зеро, теран заковат, ёрқин истеъдод дарёларидан сув ичган келажак боғларида Зулфияхонимнинг, истиқлол кунларини кўриш насиб этган ва насиб этмаган аждодларимизнинг орзулари рўёби — янги-янги иқтидорлар Ватан, халқ номини шарафлайверади.

***

1977 йилдан бошлаб токи умрининг охири — 1996 йилгача Зулфияхоним раҳбарлигида ишламоқ, хонадонларида бўлмоқ, баъзан биргаликда меҳмонларини кутмоқ, таҳрир сирларини ўрганмоқ, янги шеърларини биргаликда ўқимоқ, тонг саҳарлару узун оқшомларда зоҳирда сокин-у, ботинда дарёлар қудратига монанд суҳбатларини тингламоқ менга ҳам насиб этди. Бунинг учун Аллоҳга беадад шукроналар бўлсин! Устоз адабиёт, санъат, инсоний муносабатлар, гўзал фазилатлар, ўзи яқиндан ва яхши билган инсонлар тўғрисида бўяб-бежамасдан, мухтасар қилиб сўзлаб берарди, тушунтирардики, гап оҳангидан, кўз ифодасидан айтаётган ҳар бир фикрининг самимий, рост эканлигини англаш қийин эмасди.

— Бола қалби ёзилмаган оппоқ дафтар каби бўлади, — дер эди Зулфия опа. — Унинг онгига, тафаккурига нимани ёзсанг, шу қолади.

...Мен онамнинг кенжаси эдим. Онам! Кўпроқ ўғил болаларни ўстирган. Ўғил бола тарбияси қийин бўлади, агар аёл кўп ўғил ўстирса, сержаҳл бўлиб қолади, деган гаплар қулоғимга чалинган. Йўқ, менинг онам овозини сира кўтармас эди. Мен уни тинглаётганимда пок, оромбахш бир оламга киргандай ҳис этардим ўзимни. Ўша овоз, энди билсам, мени дунё кенгликларига бошлаган сўқмоқ экан. Агар истеъдодим бор бўлган эса, унинг чашмаси — онамдан.

Тўрт акам бир-биридан кучли, мард йигитлар эди. Тўғри, биз бой яшамасдик, осон ҳам эмасди турмушимиз, фақат гўзал, тинч ҳаёт кечирардик...

Бу хотиралар келажакда ўзбек халқини, ўзбек аёли заковатини, санъати миқёсини элу элатларга намоён этган шоир қалбига ҳайрат, илҳом, муҳаббат, садоқат учқунларини солган ҳаёт остонасининг мухтасардан-да мухтасар лавҳалари.

Азал-азалдан халқимизнинг шоирлари, ҳофизлари, донишмандлари устозу шогирдлик бурчи, шарти, садоқатини муқаддас санаб келган. Эътиқодлар юксаклиги, ҳақ йўлида хизмат қилмоқ нияти, халқчиллик, бадиий жиҳатдан мукаммал асарлар яратмоқ истаги устозу шогирд қўлларини, йўлларини, дилларини туташтирган. Зулфия опа ана шу боқий анъананинг зилол чашмаларидан баҳраманд бўлди.

— Мен жуда яхши муҳитда яшадим. Шеъриятга энди кириб келганимда, шоира ва олима Музайяна Алавия менга мураббий, ҳамроҳ ва ҳамфикр бўлди. У киши жуда маданиятли, бағри кенг аёл эди. Ундан сўнг Ойдин опам Собирова доимий ғамхўрлик қилди... Ғафур ака, Миртемир, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Маҳсуд Шайхзода менга жуда яқин ижодкорлар эди. Кейинчалик уларнинг сафига Усмон Носир, Амин Умарийлар қўшилди. Халққа ниҳоятда яқин бўлган бу ижодкорларга биз ёш бошловчи қаламкашлар худди ўз отамизга суянгандек суянардик ва бу ишончимиз, эътиқодимизда ҳеч қачон адашмаганмиз.

..."Саодат" журналида ишлаётган пайтимизда ёзган ёки тайёрлаган материалларимиз бош муҳаррир қўлидан қай аҳволда чиқишини кутиб гўё чўғ устида юргандек ҳис этардик ўзимизни. Умуман таҳрир билан ҳам "одам бўлмайдиган" мақола, очерк, бадиий асарни аниқ, исботли фикрлар айтиб қайтарарди. Озгина таҳрирга муҳтожларига эса қалам теккизарди. Опанинг ўзига хос ёзувлари, тузатишлари бизни ҳушёр торттирарди. Айрим сўзларни жуда бепарволик билан ишлатиб юборганимизни бирдан англаб, иситмамиз чиқиб кетарди.

Тилимизда шундай сўзлар борки, улар асл маъносидан ташқари, кўчма, коса тагида ним коса қабилидаги маъноларни ҳам билдиради. Сўзнинг ана шундай ички маъноси қўпол, бепардароқ бўлса, муҳарриримиз бу фикрни бошқа сўзларда ифодалашни ёқтирарди. Баъзилар бунга: "Нима бўпти, ҳар бир одамнинг, ҳар бир ижодкорнинг ўз фикрлаш, сўзлаш услуби бор. Уни ҳар доим силлиқлаштириб, бир қолипга тушириб бўлмайди", — деб эътироз билдиришлари ҳам мумкин. Тўғри, бадиий асар қаҳрамонларининг ўзига хос характери, ички дунёсини очиш учун уларни ўз табиатига мос гапиртириш — ижодкор маҳоратининг белгиси. Бироқ кундалик матбуотда журналистлар тили ва услуби қанчалар ранг-баранг бўлмасин, улар ўқувчини юксак тил маданиятига ўргатишлари шарт.

"Шоир сўз танлашда хато қилса, унинг фикрлари ҳам хато гапира бошлайди. Ваҳоланки, қандай бой хазина, сўзлар жавоҳири хазинаси бизга мунтазир бўлиб турибди! Бахтимизга, келажакдаги қуролимиз мана шу халқ тили деб аталган хазинада тургани билан занглламайди, фақат пешланиб, ўткирлашиб бораверади-ю, лекин бундай ўй билан ўзни оқлаш ҳам шеъриятга фойда келтирмайди," — бу фикрни Зулфия опа доим таъкидлаб келган.

Баъзан йиллар, гоҳида мансаб ёки бойлик, баъзан эса носоғлом муҳит одамларнинг ўз-ўзига талабчанлигини йўқотиб боради ва бу йўқотиш кўпинча тилга эрк бермоқдан бошланади. Зулфия опанинг эса ҳамиша мухтасар ва мунаввар суҳбатларидан кўнгил бойиб қайтаркан, ўйлардим: "Бу қадар мустаҳкам, муаззам маънавият дарахтининг илдизлари сув ичган чашмалар қайсилар экан?"

"Қўлида қизғиш чўғ жилмайиб турган ота"нинг ғоят талабчан, виқорли меҳрими? Қизининг қалбида "жаҳонни кўзга кенг очувчи, инсонни гўзаллик сари етакловчи шайдолик ҳиссини" уйғотган она — "остона ҳатлаб кўчага чиқмаган аёл" айтган қўшиқ, афсона, достону эртаклари? Ёхуд қизалоқ Зулфияга араб ёзувида ёзишни ва ўқишни ўргатган, мусулмон қизларининг одобу ахлоқи қандай бўлиши ҳақида илк сабоқларни берган фариштали Сиддиқа отинойи ва у кишининг турмуш ўртоғи — илм, нафосатга ташна ёш қалбни Саъдийнинг "Гулистон"у "Бўстон"ига олиб кирган Қори аканинг қутлуғ нафасларими? Буларнинг ҳаммасини ўзбек халқининг қадриятлари деб аталмиш кўҳна маънавий меросимиз умумлаштиради. Ундан баҳраманд бўлганларгина она тилини нондек азиз билишлари мумкин.

— Одамлар ҳар қандоқ муаммони бирбирларини камситмасдан, дилини оғритмасдан ҳал этишлари мумкин. Ошкоралик бир-бирингнинг дилингга тиғ санчиш эмас, — деганди устоз бир гал ёзувчиларнинг катта мажлисидан кейин.

Бу гапга қўшиладими, йўқми — ҳар кимнинг ихтиёри. Лекин шундоқ ҳам осон кечмайдиган ҳаётда дилларимиз ўйлаб-ўйламай айтилган сўзлардан жароҳатли эканлиги, катта мақсадлар йўлида бирлашмоғимиз шарт бўлган қўлларимизни суяксиз тилларимиз ажратиб, кучимизни парчалаб ташлаши мумкинлиги, афсуски, ҳақиқат.

Зулфияхоним она тилимизнинг ифодаларга бойлиги, жозибадорлиги, жарангдорлигини қалбан, руҳан ҳис этган; тилимизнинг барча жилоларини адабиёт орқали акс эттиришга уринган ва бу хислатни халқига, келажак наслларга ҳам "юқтириш"га бел боғлаган ижодкорлардан эди. Бизнингча, шоира энг эзгу ниятлари қаторида бу мақсадига ҳам эришди.

Менинг ҳамфикр дугоналарим, яъни Зулфия опа билан бирга ишлашга, суҳбатларидан баҳрамандликка муяссар бўлганлар ҳамиша мағрур, баланд ва тик қоматли, ҳамсуҳбатининг кўзига жиддий тикилиб сўзлайдиган, умр ва табиат фаслларининг ҳар бирида кийган либосларигача ўктам ва чиройли устознинг одамийлик фазилатларига қойил қолиб келганмиз.

**Муҳтарама УЛУҒОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

Теннис



***Полшанинг Вроцлав шаҳрида якунланган "Челленжер" туркумига кирувчи халқаро турнирда Фаррух Дўстов бош совринни қўлга киритди.***

## ҲАМЮРТИМИЗ — ТУРНИР ҒОЛИБИ

Ҳамюртимиз финалда Босния ва Герцеговина вакили Мирза Басични 6:3, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ушбу ғалабадан сўнг Фаррух Дўстов АТР рейтингида 98-поғонани эгаллаб турибди.

Энди теннисчимиз Францияда ўтказиладиган "Челленжер" туркумига кирувчи навбатдаги халқаро турнирда қатнашади.

Дзюдо

***Венгрияда паралимпиячилар ўртасида дзюдо бўйича ўтказилган жаҳон кубогида терма жамоамиз аъзолари тўрт олтин, бир кумуш ва икки бронза медал билан умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни банд этди.***



## УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА БИРИНЧИ

32 мамлакатдан 205 иштирокчи куч синашган турнирда Шерзод Намозов (-60 кг.), Нурбек Бердиёров (-66 кг.), Ширин Шарипов (-100 кг.) ва Турсунпошша Нурметова (-63 кг.) ўз вазн тоифасида олтин медалга сазовор бўлди.

Феруз Саидов вазни 73 кг.гача бўлган полвонлар ўртасида иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медал билан тақдирланган бўлса, Гулруҳ Раҳимова (-70 кг.) ҳамда Ҳайитхон Алимова (+70 кг.) бронза медал соҳибасига айланди.

Шу тариқа паралимпиячиларимиз 2016 йилда бўладиган XV Паралимпия ўйинларига йўлланма берувчи навбатдаги рейтинг очколарига ҳам эга бўлди.

Шахмат



***Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида шахмат бўйича анъанавий блиц-турнир ўтказилди. Мусобақада 11 нафар шахмат устаси айланма тизимда ғолиблик учун баҳс юритди.***

## АНЪАНАВИЙ БЛИЦ-ТУРНИР

Тажрибали спортчимиз Антон Филиппов 10 партиянинг 5 тасида ғалаба қозониб, уч учрашувда дуранг қайд этди ва 6,5 очко жамғарган ҳолда учинчи ўринни эгаллади.

Футбол

***"Пахтакор" Осиё чемпионлар лигасининг дастлабки тур учрашувида Эроннинг "Нафт Теҳрон" клуби устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди.***



## ИККИ ҒАЛАБА ВА ДУРАНГ

"Пахтакор" марказий стадионида бўлиб ўтган ўйиннинг биринчи бўлимида ҳар икки жамоа эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилди. Иккинчи таймни ҳужумкор руҳда бошлаган мезбонлар 47-дақиқада Кахи Махарадзенинг аниқ зарбаси эвазига ҳисобни очди.

Аммо орадан бир дақиқа ўтиб, учрашув бош ҳаками япониялик Масааки Тома ярим ҳимоячимиз Шерзодбек Каримовни майдондан четлаштирди.

Шундан сўнг "Нафт Теҳрон" жамоаси аъзоси Али Горбани 59-дақиқада ҳисобни тенглаштирди. Ўйин якунланиб бораётган 84-дақиқада ёш ҳужумчимиз Игор Сергеев навбатдаги голга муаллифлик қилди ва "Пахтакор" жамоасининг 2:1 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади.

***

«Бунёдкор» эса биринчи турни сафарда «Ан-Наср» (Саудия Арабистони)га қарши ўтказди.

14-дақиқада Сардор Рашидов бурчакдан тўпни ошириб бергач, Абдуллоҳ Алинази хатога йўл қўйди ва ўз дарвозасига гол киритиб қўйди. Биринчи бўлим давомида «Бунёдкор» рақибга ҳисобни тенглаштириш учун имконият бермади. Афсуски иккинчи бўлимда «қалдирғочлар» бу устунликни сақлаб тура олмади. Фабиан Эстоянофф 50-дақиқада аниқ зарба билан ҳисобни тенглаштирди.

Шу тариқа «Бунёдкор» қийин ўтган учрашувда дуранга эришиб, бир очко ишлаб олди.

Шунингдек, кеча "Насаф" ўз майдонида "Тракторсози Табриз" (Эрон) устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

**Адҳам АРСЛОНОВ,**
**"Ishonch" мухбири**

"Спорт — саломатлик гарови"

***Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ўзбекистон туман кенгаши тизимидаги 128 та бошланғич ташкилотда ўтказилган "Спорт – саломатлик гарови" шиори остидаги спорт мусобақаларида 7250 нафар педагог-ходим иштирок этди.***

## ҒОЛИБЛАР САРАЛАНДИ

Спартакиаданинг туман босқичида ҳудуддаги барча тармоқ касаба уюшмалари жамоалари спортнинг волейбол, шахмат, шашка, стол тенниси, бадминтон ва сузиш бўйича мусобақаларга киришди. 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бўлиб ўтган беллашувлар кўтаринки кайфиятда, байрамона руҳда ўтди.

— Мусобақаларда тармоғимиз вакиллари фаол иштирок этди, — дейди тармоқ ходимлари туман кенгаши раиси Зулфияхон Усмонова. — Спартакиада меҳнаткашлар ўртасида спортни тарғиб этиш билан бирга, ходимлар саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади.

Мусобақалар якунида туман босқичи ғолиблари фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Улар энди мусобақанинг вилоят босқичида иштирок этади.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**"Ishonch" мухбири**

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

Тадбир

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан касаба уюшмалари тизимидаги ташкилотларда «Аёли қадрланган диёр» мавзусида тадбирлар ўтказиш тўғрисида»ги қарори ҳамда «Касаба уюшмалари — хотин-қизларга» акцияси доирасида Сирдарё вилоятида учрашувлар ва байрам тадбирлари бошланиб кетди.***

## АЁЛИ ҚАДРЛАНГАН ДИЁР

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан Боёвут тумани ҳокимлигининг хотин-қизлар қўмитаси ҳамда 1-Боёвут ҚФЙ ҳамкорлигида «Қариси бор уйнинг — файзи бор» шиори остида тадбир ташкил этилди. Унга 1-Боёвут ҚФЙ ҳудудидаги 7 та маҳалладан ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш тизимида самарали фаолият юритган ҳамда оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшаётган 80 нафар фаол хотин-қиз, намунали касбий маҳорати билан барчага ўрнак бўлган меҳнат фахрийлари, нуроний онахонлар таклиф этилди.

Тадбирда 85 ёшли Шарофат Нарзуллаева, 87 ёшли Фароғат Аксенова, 82 ёшли Жумахол Абдуқодирова ҳамда 83 ёшли Умри Қудратовага вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг эсдалик совғалари топширилди.

— Мен бир умр ишлаб чиқариш корхонасида меҳнат қилдим, — дейди Фароғат ая. — Ҳозирда невараларим ардоғидаман. Аллоҳга шукур, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Биз, нуронийлар эъзозу ҳурматдамиз. Бу кунлар дилларимизга сурур бахш этмоқда.

Тадбир шеърхонлик ва қувноқ куй-қўшиқлар остидаги шўх рақсларга уланиб кетди.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
**"Ishonch" мухбири**

▽Юртимиз сиҳатгоҳларида

***Бугун фикри-зикри юрт фаровонлиги, тинчлигига қаратилган инсон борки, эъзозга муносибдир. Айниқса, умрини ҳаёт ҳикматлари-ла бойитган юзи нурли, сўзи болли кексалар азиз диёримизнинг фахри, тенгсиз бойлигидир. Уларни борида қадрлаш, ҳурмату эъзозга муносиб кўриш нафақат юртдошларимиз фазилати, балки мамлакат миқёсидаги устувор вазифага, замондошларимизнинг кундалик юмушига айланиб улгурди. Зеро, биз учун заҳмат чеккан, жон койитган инсонлар омон-омон кунларни кўриш, бахтиёрлик нашидасини суриш имконига эгадир.***

# НУРОНИЙЛАР ДУОСИДА ҲИКМАТ КЎП

Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги «1941-1945 йиллар уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳам айни шу шукроналик ҳиссини, миннатдорлик туйғуларини юзага чиқаришга туртки бўлди, дейиш мумкин. Ушбу Фармон шарофати билан фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш кучайтирилиб, хусусан, улар йилда бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда санаторий-соғломлаштириш муассасаларида давлат ҳисобидан даволанадиган бўлди. Ҳар бир давлат ва жамоат ташкилоти бу борада амалга оширилаётган ўзига хос тизимли ишлар эса, асрий қадриятларимиз билан ҳамоҳангдир.

Фахрийларимизни соғломлаштириш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тизимидаги санаторийларда айни кунларда уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, саломатликларини асраш ва уларга алоҳида эҳтиром кўрсатиш, санаторийларда соғломлаштириш учун барча шарт-шароитлар



яратилаяпти. Санаторийлар атрофида яшаётган нуронийлар эса тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Наманган вилоятининг энг сўлим гўшасида жойлашган «Чортоқ» санаторийсида ҳам бу борада тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Сиҳатгоҳнинг 1- ва 2-ётоқ бинолари 1-қаватидан 2 кишилик, жами 17 та хона уруш заҳматини чеккан нуронийларга ажратилди. Ётоқхонанинг кириш қисмига ногиронлар аравачаси билан кириш учун қўшимча йўлак қурилди. Шунингдек, шифокор билан даволанувчиларни зарурат бўлганда боғловчи алоқа воситалари ўрнатилди.

Сиҳатгоҳда уруш ва меҳнат фронти фахрийларини кутиб олиш ва қабул қилиш учун алоҳида қабулхона ташкил этилиб, уларни даволаш учун масъул этиб 1-тоифали кардиолог Ю.Абдупаттаев бириктирилди. Зарурат бўлганда, Чортоқ туман тиббиёт бирлашмаси билан имзоланган шартномага кўра шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти юзага келтирилди.

Юқоридаги ишларни амалга ошириш учун 150 млн. сўм маблағ сарфланди.

Дарвоқе, кези келганда, уруш ва меҳнат фронти фахрийларига намунали хизмат кўрсатиш мақсадида Санатор-курортлар бошқармасига 5 та ногиронлик аравачаси учун талабнома берилганлигини таъкидлаш лозим. Айни пайтда санаторийда мавжуд учта ногиронлик аравачаси дам олувчилар хизматида эканлигини ҳисобга олсак, қулайлик янада кенгайганлигини англаш мумкин.

Яна бир муҳим жиҳат, бу санаторий атрофидаги аҳоли, айниқса кексалар учун ҳам алоҳида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилаётганлигидир. Жумладан, "Оромгоҳ" МФЙ билан ҳамкорликда маҳалладаги кам таъминланган, эҳтиёжманд нуронийлар аҳволи ўрганилиб, апрел ойидан бошлаб улардан сиҳатгоҳда даволанишга эҳтиёжи борларга бепул тиббий хизмат кўрсатиш бошланади. Шу орқали ҳудуд аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлашга бўлган интилиши рағбатлантирилади. Бугина эмас, сиҳатгоҳ маъмурияти ҳудуддаги 49- ҳамда 51-умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган ўқувчиларни бепул тиббий кўрикдан ўтказиб бериш ташаббуси билан чиқиб, катта савобга қўл урди. Март ойининг илк кунидан бошлаб мазкур жараён ҳам амалга оширилади.

***

Кексалар дуоси олтин, дейишади. Чунки бу дуоларда ҳаётдан йиллар давомида англанган ҳақиқатлар, эзгу ўй ва мусаффо ниятлар акс этади. Зеро, кексалар билан қилинган суҳбат бугун учун хазина бўлса, уларга қилинган хизмат келажак пойдеворига қўйилган олтин ғиштларимиздир.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**"Ishonch" мухбири**

Реклама ва эълонлар

**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 16 июндаги 148кПО-сонли буйруғига асосан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб 2015 йил 13 февралда ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи**

1. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Отатурк кўчаси, 24-"Б"уй манзилида жойлашган, умумий майдони 1638 кв.м. бўлган, 2 қаватли ертўлали бинонинг қисми, бошланғич баҳоси — 4 213 644 014 сўм, сотилиш баҳоси — 4 364 000 000 сўм.

**Хизматлар лицензияланган**

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси кенгаш бош юристконсулти Дилбар Муҳамадалиевага отаси

**Абдураҳмон АБДУЛЛАЕВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b.: Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Eson Rajabov.

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar: Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev

Navbatchi: N.Mahamov

Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti — 21:00
Topshirildi — 21:30

E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 215

20536 nusxada bosildi

1 2 3 4 6